



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI 31 05 09

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажакда буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 7 май, № 91 (4754)

Пайшанба

## БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ

порлоқ келажак барпо этишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга

**Мамлакатимиз Президентининг бевосита ғамхўрлиги билан юртимизда ёш авлод тарбиясига катта масъулият ҳисси билан ёндашилмоқда.**

**Б**унинг самараси ўлароқ, истеъдодли ўғил-қизлар илму ҳунар, санъат ва спорт соҳасида ижобий натижаларга эришаётдилар. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ёшларимиз кўлга киритаётган бу муваффақиятларда таълим муассасалари ва ўқув-тарбия масканларидаги маъжуд шарт-шароит, педагоглар маҳорати ва таълимга татбиқ этаётган янгича ўқитиш усуллари бекиёс аҳамият касб этмоқда.

Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 346-мактабга таълим муассасасида ҳам тилга олиш мумкин бўлган ибратли жиҳатлар талайгина. Ушбу мактабда 332 нафар ўғил-қиз таълим-тарбия олади. Шундан ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд 19 оила фарзандлари учун алоҳида имтиёз мажмуи. Бюжетадаги тарбиявий машғулотлар "ИМН" услубига асосланган.

— Малакали педагоглар болаларнинг ижодий қобилиятини шакллантиришга ва уларни мустақил фикрлашга ўргатадиган воситаларни тарбия жараёнида кенг қўлламоқдалар, — дейди боғча мудириси Ақида Тохирова. — Бунга мисол тариқасида Елена Курбонова, Феруза Тошмухамедова, Наталья Королева, Манзура Соилова сингари мураббиялар яратган "Математикани ўрганамиз", "Монтессори услуби — мантқиқий фикрлаш асослари", "Ноанъанавий машғулотлар", "Спорт" деб номланган услубий қўлланмаларни қайд этиш мумкин.

— Биз боғча опамиз билан кўчирчоқлар ясаймиз, театр тўғрагида роль ижро этганда киядиган саҳна кийимларимизни ҳам ўзимиз тикамиз, — дейди тайёрлов гуруҳи тарбияланувчиси Дилбарой Қобилова. — Яқинда боғчамизда ўтказилган танловда мен ясаган "Аривой" биринчи ўринни олди. Боғча опам катта бўлганимда машҳур модель-



ер-дизайнер бўлишим учун мана шунақа танловларда кўп-кўп қатнашиб қолиб бўлишим кераклигини айтдилар...

Дилбарой боғчадаги сеvimли машғулотларини бирма-бир айтиб тугатолмайди. Шунинг ўзидан ҳам англаш мумкинки, тарбия муассасасидаги маънавий-ахлоқий муҳит,

мутохассисларнинг янгиликка интилувчанлиги ва педагогик маҳорати болалар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Улар илк ёшданқоқ илму одобдан сабоқ олишаётти, соғлом ҳаёт кечирishiга одатланишаётти, қолвераси, ижод ва санъатга бўлган қизиқишлари, яратувчанлик ҳамда ихтирочилик

қобилиятлари шаклланиб бормоқда. Бу жиҳатлар эса биз оруз қилгандек, оқил, доно ва баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишда муҳим омилдир.

**Муборак ОХУНОВА,**  
**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

### Дарддошлик

Инсоният жаҳоншумул офат ва бўҳронларни бошдан кечираёттир. Биз ойнаи жаҳон орқали дунёнинг турли минтақаларида руй бераётган даҳшатли воқеа-ҳодисаларга гувоҳ бўлиб турибмиз. Глобал иссиқлик келтирган эрургарчиликдан энг

дан олисда жойлашган деб ўқинамиз. Бандаргоҳлари, кемалари бор юрتلарга ҳавас қиламиз. Лекин ўша юрتلарга келган девул балоси, сув балосини тевулзор орқали ҳар кўрганга дилмиз ачишади, ҳушёр тортамиз. Шундай ҳолатларда ўлкаимизни бамисоли гавҳарини яширгандай офатли уммонлардан

**Эркин ВОҲИДОВ,**  
**Ўзбекистон Қоҳрамони,**  
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

## ЎЗИНГ — ГУЛСАН, ВАТАНИНГ — ЧАМАН

улкан ва обод шаҳарларнинг кўчаларида сув дарё бўлиб оқаёттир. Бу тўфонлар ичида оқиб кетаётган мол-ҳоллар, бутун бошли уйлар автоташкилотларни кўриб юрагимиз эзилади. Торнада деб аталган ҳар довул бир кенчада вайронга айланган кент, қишлоғу қасабаларнинг ачинарли манзараларини ҳеч қим парвосиз томоша қилмайди.

Бир минтақа тошқин балосидан жабр кўрса, бошқа минтақада кўрғоқчиликдан ерлар дарз кетган, очлик ва сувсизликдан ҳар қуни юз минглаб инсонлар нобуд бўлмоқда. Бир ёнда ўта иссиқликдан ўрмонлар ёнса, яна бир ерда ногаҳон тушган қаттиқ совуқ элни қақшатмоқда.

### Мушоҳада

Ўзбек — болажон, меҳрли халқ. Дардхашик ва ҳамдардлик туйғуси нозик бўлган халқ. Айниқса, аёлларимиз бу хил манзараларни кўрсалар кўзларига ёш келади. Кексаларимиз изтироб чекиб, Яратгандан, бандаларингга ўзинг нажот бер, дея дуо қиладилар, ўз эл-юртимизга тинчлик, омонлик сўрайдилар.

**Мингни кўриб шукур қил**

Яқинда бир мухтарам олимдан шундай сўзларни эшитдим: — Биз кўпинча мамлакатимизни жаҳон денгизлари-

олисга беркитганига шукроналар айтмамиз. Бугун биз кўп сабабларга кўра шукроналар этсак арзийди. Истиқлол боис топган ҳўрриятимиз, тикланган қадриятларимиз, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ислохотлар тўғайли юртимизда содир бўлаётган оламшумул ўзгаришлар, барқарор ўсиш-ривожланиш, дунё саҳнадаги обрў-эътибор — барча-барчаси кўксимизни гурур билан тўлдирди. Булар мустақиллик арафасидан бошлаб то шу кунгача мухтарам Президентимиз раҳнамолигида халқимиз сабот ва бирдамлик билан эгаллаб бораётган марралар натижаси, умид билан экилган ниҳолларнинг ҳосил бераётгани натижасидир.

Дунёнинг кўп мамлакатлари мисли кўрилмаган миқёсдаги молиявий-иқтисодий бўҳрон гирдобидида катта йўқотишларга дуч келаётган, юз минглаб иш ўринлари қисқараётган бир замонда, биз жаҳоний бўҳроннинг мамлакатимизга ҳам таъсири муқаррарлигини инкор қилмаган ҳолда келажакка умид ва ишонч билан қараб турганимиз, турли жаҳаларда юқори кўрсаткичларга эришаётганимиз, кўплаб янги иш жойлари очилаётгани ўша узокни кўзланган сиёсат натижаси эканини олам кўриб турибди.

Кувайтнинг бошқа бир нуфузли нашри "Ал-Нахар"да, жумладан, куйдаги фикрларни ўқш мумкин: "Китобда Республика Президентини Ислоом Каримовнинг Ўзбекистон шароитида инқирозни бар-тароф этиш йўллари ва зарур чораларини излашга бўлган мақсад ва интилиши қўлиб кўришиб турибди. Асар мустақилликнинг ўтган йиллари давомида ижтимоий-иқтисодий соҳада эри-

## ХОРИЖИЙ ОАВ ЎЗБЕКISTON ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЯНГИ КИТОБИ ҲАҚИДА

**Хорижий мамлакатлар оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартоараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобининг кенг муҳокамаси давом этмоқда.**

Кувайтнинг «Kuwait Times» газетаси Президентинг янги асари ҳақида сўз юритар экан, китобда жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ва унинг салбий оқибатларининг олдини оладиган ва енгиллаштирадиган омиллар, банк тизимини қўллаб-қувватлаш, санаотни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификациялаш, инқирозни бартоараф этишда ва Ўзбекистоннинг янги дунё бозорларига чиқишида ишончли омил бўладиган инновацион технологияларни кенг жорий этиш тевран таҳлил қилиниши ҳақида ёзади.

Кувайтнинг бошқа бир нуфузли нашри "Ал-Нахар"да, жумладан, куйдаги фикрларни ўқш мумкин: "Китобда Республика Президентини Ислоом Каримовнинг Ўзбекистон шароитида инқирозни бар-тароф этиш йўллари ва зарур чораларини излашга бўлган мақсад ва интилиши қўлиб кўришиб турибди. Асар мустақилликнинг ўтган йиллари давомида ижтимоий-иқтисодий соҳада эри-

шилган муваффақиятлар, мамлакатнинг ва фуқароларнинг бугунги ҳаётини ўзида акс эттиргани билан фақуллодда муҳим ва қимматлидир".

Нашр мамлакат ҳукумати томонидан жаҳон иқтисодий инқирозини бартоараф этиш ва унинг салбий таъсирини енгиллаштириш мақсадида Инқирозга қарши чоралар дастури ва қатор комплекс дастурларнинг қабул қилинган ҳамда амалга оширилган шорий йилнинг биринчи чораги давомида 208,6 мингта янги иш ўринлари ташкил этишга, маҳсулот экспорти ва хизмат кўрсатиш микдорини 6,1 фоизга оширишга, ташқи савдо айланмасида ижобий салдонни таъминлаш имкониятини берганини алоҳида таъкидлайди. "Ўзбекистон раҳбарияти инфратузилмани ривожлантириш ва иқтисодий тараққиётнинг ижобий суръатларини янада оширишга алоҳида эътибор бериши, шубҳасиз, халқ фаровонлиги даражасининг ўсишига хизмат қилади."

Кувайтда нашр этиладиган «Ал-Ватан» газетаси ҳам ушбу дастурларнинг муҳим аҳамияти ва ижтимоий-иқтисодий соҳада эришилган муваффақиятлар ҳақида ёзади. "Хусусан, — дейлади газетанда, — биринчи чорак давомида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш микдори 7,9, санаот маҳсулотларини ишлаб чиқариш микдори 9,9, истеъмо тевранлари микдори 12,5, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 5,7, қурилиш ишлари 12,1 фоизни ташкил этди. Инқирозга қарши қилган ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш моделига алоҳида эътибор қаратади. «Моделининг асосини мамлакатда оғишмай амал қилнадиган бешта тамойил ташкил этади. Бу — иқтисодиётнинг сиёсатдан устуңлиги, давлатнинг бош ислохотчи вазифасини ўз зиммасига олиши, қонун устуворлигини таъминлаш, ислохотларни босқичма-босқич олиб бориш ва кучли ижтимоий ҳимодан иборат», деб ёзади газета.

Франциянинг «La Lettre Diplomatique» журнали бош муҳаррири Д. Видальнинг ёзишича, «Президент Ислоом Каримовнинг китоби чиндан ҳам таҳлилий унинг маҳсули бўлиб, унинг замирида долзарб ҳолатга нисбатан воқеаларга жуда яқин бўлган, шунингдек, глобал молиявий инқирознинг юзага келиши мумкин бўлган оқибатларига нисбатан муносабатларга баён этилган. Асарда келтирилган жаҳон инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига салбий таъсири тани олш ҳақида хулоса чиқаришга имкон берувчи таҳлил ниҳоятда муҳимдир.

Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакат шароитида инқироздан самарали чиқишга оид ёндашувига бўлган қатъий ишончи алоҳида эътиборга

қилган ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш моделига алоҳида эътибор қаратади. «Моделининг асосини мамлакатда оғишмай амал қилнадиган бешта тамойил ташкил этади. Бу — иқтисодиётнинг сиёсатдан устуңлиги, давлатнинг бош ислохотчи вазифасини ўз зиммасига олиши, қонун устуворлигини таъминлаш, ислохотларни босқичма-босқич олиб бориш ва кучли ижтимоий ҳимодан иборат», деб ёзади газета.

Франциянинг «La Lettre Diplomatique» журнали бош муҳаррири Д. Видальнинг ёзишича, «Президент Ислоом Каримовнинг китоби чиндан ҳам таҳлилий унинг маҳсули бўлиб, унинг замирида долзарб ҳолатга нисбатан воқеаларга жуда яқин бўлган, шунингдек, глобал молиявий инқирознинг юзага келиши мумкин бўлган оқибатларига нисбатан муносабатларга баён этилган. Асарда келтирилган жаҳон инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига салбий таъсири тани олш ҳақида хулоса чиқаришга имкон берувчи таҳлил ниҳоятда муҳимдир.

Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакат шароитида инқироздан самарали чиқишга оид ёндашувига бўлган қатъий ишончи алоҳида эътиборга

қилган ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш моделига алоҳида эътибор қаратади. «Моделининг асосини мамлакатда оғишмай амал қилнадиган бешта тамойил ташкил этади. Бу — иқтисодиётнинг сиёсатдан устуңлиги, давлатнинг бош ислохотчи вазифасини ўз зиммасига олиши, қонун устуворлигини таъминлаш, ислохотларни босқичма-босқич олиб бориш ва кучли ижтимоий ҳимодан иборат», деб ёзади газета.

«Ал-Рай» газетаси мамлакатимиз раҳбарияти томонидан мустақилликнинг илк йилларида ишлаб чи-

## МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Тошгузар-Бойсун-Қумқўрган темир йўлининг 113-километрида — Оқработ ва Дарбанд станциялари оралигида яна битта йирик ва ноёб иншоот — узунлиги 250 метр металл кўприк барпо қилиниб, устига пўлат ислар ётқизилди.

### Кўприк бунёд этилди

Денгиз сатҳидан 1412 метр баландликда жойлашган бу темир йўл кўпригини 9 та таянч — яхлит темир-бетондан ясалган тиргак асослар кўтариб турибди. Янги иншоот Япония Халқаро ҳамкорлик банкнинг имтиёзли кредити ҳисобидан бунёд этилаётган бешта металл кўприкнинг учинчисидир. Бундан тўрт ой олдин иккита кўприк фойдаланишга топширилганди. Бугунги кунда эса тўртинчи кўприкда ҳам жадал суръатларда қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилмоқда.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**  
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Кегайли туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони йил сайин орфига бораёпти. Яқинда уларнинг сатиб яна битта ишлаб чиқариш корхонаси қўшилди.

### Қишлоқда замонавий корхона

У «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида «Кегайли бўян» масъулияти чекланган жамияти томонидан ишга туширилди.

Мазкур «Халқобод» гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасига «SCHALLER» фирмаси (Австрия)нинг умумий қиймати 300 минг еврога тенг замонавий линияси келтириб ўрнатилди. У соатига 200 килограмм гўшт маҳсулотлари қайта ишлаш қувватига эга.

Қувонарлики, бу технологиялар 30 нафарга яқин қишлоқ ёшлари томонидан бошқарилиб, 18 турдаги қолбаса маҳсулотлари ишлаб чиқарилаёпти.

— Яқин кўнлар ичида паррандачиликни ҳам йўлга қўймоқчимиз, — дейди корхона раҳбари Эльбрус Аевзов. — Товуқлар учун тўйимли омикта еш ш ерда ишлаб чиқарилаётгани тармоқни ривожлантириш учун кенг имкониятга эга эканлигимиздан далолат беради.

«Халқобод» йилиги билан чиқарилаётган маҳсулотлар тезда ички бозорда ўз харидорини топти. Уларга бўлган талаб эса кучайиб бораёпти.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**  
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Хоразм вилоятида касаначиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

### Маҳаллада касаначилар мактаби

Қўшқўпир тумани марказидаги 4-маҳаллада илгор касаначилардан бири Гавҳар Матназарова ўзининг касаначилик фаолиятини бундан олти йил олдин бошлаган эди. Кейинчалик у ўз фаолиятини кенгайтириб, маҳаллада бекор ўтирган аёлларни ҳам бу ишга жалб эта бошлади. Шу тариқа маҳаллада «Устоз-шогирд мактаби» асос солинди. Бу ерда ҳар йили 20 нафар хотин-қиз касб ўрганиб, тиккувчиликдан меҳнатига яраша даромад топтомоқда.

**О. РАҲИМОВ,**  
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги алоқаларда барча жаҳалларда, жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ҳам изчил ривожланмоқда.


### Илгор технологиялар тараққиётга хизмат қилади

Тошкент ахборот технологиялари университетидида фаолият юритаётган Ўзбекистон — Корея Ахборот технологиялари маркази мамлакатларимиз ўртасида бу йўналишдаги ҳамкорлик жадал тараққий этаётганига бир мисолдир.

2005 йилдан фаолият кўрсатиб келаётган мазкур марказ ахборот технологиялари соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш ва соҳада халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Марказнинг замонавий компьютер техникаси билан жиҳозланган ресурс маркази ҳам ўқув, ҳам электрон кутубхона вазифаларини ўзида муҳассам этган. Ўқув жараёнини ташкил этиш учун замонавий компьютерлар, тармоқ жиҳозлари, маъруза, семинар, кўргазма ва амалий машғулотлар хоналари маъжуд. Бу ерда талабалар компьютер бошқаруви бўйича билим ва кўникмаларини ошириш имконига эга.

Марказда малака оширган ўнга яқин талаба ҳар йили танлов асосида Жанубий Кореянинг нуфузли олий ўқув юртиларида таҳсил олади. Буларнинг барчаси талабалар билимини янада мустаҳкамлашга, ўзаро таъриб аламушига хизмат қилаёттир.

**(Давоми 2-бетда).**



## Ризқ-рўзимиз манбара тобора мустаҳкамланмоқда

**2009** йилнинг биринчи чораги мобайнида мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ўсиши **5,7** фоизни ташкил этди.

Иқтисодиётнинг ана шу етакчи тармоғида ислохотлар изчил олиб борилаётгани, айниқса, фермер хўжаликлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, қишлоқ инфратузилмасини жадал ривожлантиришга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилаётгани тўғайли шундай ижобий натижага эришилди.

Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакат шароитида инқироздан самарали чиқишга оид ёндашувига бўлган қатъий ишончи алоҳида эътиборга



ЖАҲОН

24 соат ичида

Зарур чоралар кўрилмоқда

Жаҳонда давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз Испанияда ишсизлик муаммосини мураккаблаштирмоқда.



"Евроньюс" телеканалда айтилишича, апрель ойида мамлакат меҳнат бижмасига иш сўраб 40 минг киши мурожаат қилган. Хукумат аҳолини ижобий томонга ўзгартириш мақсадида зарур чораларни кўрмоқда.

Таъкидлаш жоизки, айна дамда Испания ишсизлик даражаси бўйича Европада биринчи ўринда турибди. Мамлакатда ишсизлар сони 3,6 миллион кишига етган.

Келишувда назарда тутилган

АҚШ ҳарбийлари жорий йилнинг 30 июнига қадар Ироқнинг марказий шаҳарларидан чиқиб кетиши керак.

Бу ҳақда "Ассошиэтед пресс" ахборот агентлиги Ироқ бош вазири Нури ал-Маликийнинг матбуот хизмати ахбороти асосида хабар тарқатган.

Маълумки, 2008 йилда икки мамлакат ҳукумати ўртасида тузилган хавфсизлик келишувига асосан АҚШ ҳарбийлари Ироқ бош шаҳарларининг бўшатиб қўйиши лозим. 2011 йилнинг охирида эса ҳарбийлар мамлакатни бутунлай тарқ этиши назарда тутилган.

Жамоат жойларида чекилмайди

Хорватияда жамоат жойларида тамаки чекишни ман этувчи қонун қучга кирди, дейилади "Франс пресс" ахборотида.



Унга қўра, энди тамакини фақат бар ва рестороанлардаги махсус хоналардагина чекиш мумкин. Бу хоналарнинг ўзига ҳослиги шундаки, у ерда таом ва ичимликлар сотилмайди.

Мазкур қонунда рию элмаган кишилар 2100 евро, муассаса раҳбарлари эса 21000 еврогача жарима тўлайди.

Хорватия Соғлиқни сақлаш вазирлиги ушбу ҳуқуқий ҳужжатнинг ҳаётга татбиқ этилиши аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилгани билан муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

"Росагропромснаб" МЧЖ турли хил газ жиҳозларини танлиф этади

- Ультратовушли газ ўлчагичлари
5 м³/соат дан 500 м³/соат гача бўлган газтақсимлагич шкафлар
Юқори, ўрта ва паст газ босими меъёрлагичлари
ПЗК филтратлари, ИЗО-муфтлари

Advertisement for AzKO gas equipment, including images of various devices and contact information.



Дунё иқтисодиётида юз берган молиявий-иқтисодий инқироз таҳлили ишбилармонлару мутахассисларнинг диққат марказида турибди. Сабаби, кўплаб мамлакатларда катта-кичик корхоналар таназзулга юз тутиб, минглаб иш ўринлари қисқартирилмоқда.

Маълумки, Президентимиз 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш янгулари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида банкларда аҳоли омонатлари бўйича нақд пул маблағларини миқозларнинг биринчи талабига қўра берилишини қатъий таъкидлади.

сўраб мурожаат қилган миқозларнинг лойиҳалари қисқа фурсатда атрофида ўрганиб чиқилиб, маблағларни тўғри ва оқилона жойлаштириш, тез фойда келтирадиган ва бўлиб кетмаслиги керак таъминоти асосида иш юритилмоқда.

Шу ўринда кўйидаги рақамларга эътибор берилган. Қисқа фурсат оралигида ишлаб чиқариш корхоналарига технология усуналар сотиб олиш учун 2,5 миллиард сўм, хом ашё ва турли материаллар харид қилиш учун 2,6 миллиард сўм, иссиқхона қуриш учун 1,6 миллиард сўмдан ортиқ маблағлар ажратилди.

ХАЛҚ БАНКИ: ИЗЛАНГАН ҲАМ ЯРАТАДИ, ҲАМ ЯШНАТАДИ

Кўшимча иш ўринлари яратиш имконини берадиган соҳаларга йўналтириш бўйича миқозларга маърузасида таъкидлар берилди. Бунинг самараси ўлароқ, инвестицион лойиҳаларни молиялашга 24,3 миллиард сўм ажратилди.

Жорий йилнинг дастлабки чорагида, шунингдек, Халқ банкнинг кредит портфели 64,6 миллиард сўмга ортиб, жами 307,2 миллиард сўмни ташкил этди. Ана шу маблағларнинг асосий қисми қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт, алоқа, савдо ва иқтисодиётнинг бошқа устувор соҳаларига ажратилган бўлса, Президентимизнинг шу йил 26 январдаги «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили Давлат дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишбилармон миқозларга 7 миллиард сўмдан ортиқ кредитлар берилди.

Бугун, биласиз, ишбилармонликка қўл урган ёки кичик корхонага фермер хўжалиги очиб, иш бошлаётган киши борки, банк танлашда эркиндир. Аникроғи, у маблағни банкда сақлаш истағида ўзига ишончли ҳамкор кидиради. Шу ниятда, айтишлик, бўлғуси-тадбиркор тажрибали кишилардан «Қайси банкка борсам экан, нима дейсиз?» деб сўраши ёки ҳар бир банкнинг имкониятларини, миқозларга қўрсатётган хизматининг сифатини қўламини тарозига солиб қўриши мумкин. Айна шу пайтда банклар ўртасида киши билмас рақобат юзага келади. Шу боис Халқ банки жамоаси, унинг ҳар бир филиали ва бўлими мутахассиси «Бу даргоҳдан ҳеч ким норози

корхоналарига технология усуналар сотиб олиш учун 2,5 миллиард сўм, хом ашё ва турли материаллар харид қилиш учун 2,6 миллиард сўм, иссиқхона қуриш учун 1,6 миллиард сўмдан ортиқ маблағлар ажратилди. Кичик бизнес субъектларини молиялашга қўламини тарозига солиб қўриши мумкин. Айна шу пайтда банклар ўртасида киши билмас рақобат юзага келади. Шу боис Халқ банки жамоаси, унинг ҳар бир филиали ва бўлими мутахассиси «Бу даргоҳдан ҳеч ким норози



ма, кичик корхона ва фермер хўжалиқларига 2 миллиард сўмдан зиёд имтиёзли кредитлар йўналтирилди. Қишлоқ хўжалиқ корхоналарига 7,6 миллиард сўмлик турли техника ва тракторлар олиб берилди. Жами 6147 та қишлоқ хўжалиқ корхонасига пахта ва галла етиштириш бўйича шартномаларни бажаришлари, ердан қўтилган ҳосилни кўтаришлари учун 50,6 миллиард сўм миқдорда имтиёзли қарзлар аж-

ратилди. Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чоралари тўғрисида»ги қарорига қўра эса, банк томонидан чорвачиликни ривожлантириш мақсадида 1482 нафар фуқарога 1,6 миллиард сўм, 1228 фуқарога 1,3 миллиард сўм миқдорда кредитлар берилди. Эътиборли жиҳати, иқтисодиётнинг турли тармоқларига кредитлар қўрилишида жойлаштирилган

ишлаб чиқарилган товарлар сотиб олиш учун) истеъмол кредитлари, 208 оилага 800 миллион сўмлик микрокредитлар ажратилди. Ҳисобот даврида банк жамоаси инвестиция ва кредит ресурслари манбаларини кенгайтиришга, жисмоний ва юридик шахсларнинг бўш пул маблағларини банк жамғармасига жалб этишга ҳам қатъий эътибор қаратаётганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Шу мақсадда йил бошдан буён қўшимча равишда 8 та янги омонат тури очилиб, бу омонатларга 23,2 миллиард сўм

нинг 230 дан ортиқ муассасасида «Ўзтўлов» миллий тўлов тизими жорий этилгани ҳам миқозларга коммунал ва бошқа тўловларни тезкорлик билан амалга оширишда қўл келяпти.

Президентимизнинг 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори талаблари ижроси бўйича эса, Халқ банки тизимида минни банклар сони 242 тага, махсус кассалар 339 тага, пластик карточкалар сони 181 минг 643 тага, терминналлар 2265 тага, аҳоли омонатлари қолдиги 320 миллиард сўмга, жами кредитлар қолдиги 307,2 миллиард сўмга, фуқароларга ажратилган истеъмол кредитлари қолдиги 110,5 миллиард сўмга етказилди. Шунга мос равишда банкнинг миқозлари ҳам сезиларли даражада ошиб, ҳозирда 67 минг 586 тани ташкил этди. Ўз навбатида, стратегик аҳамиятга эга бўлган ташкилотларнинг 12 та худудий бўлимининг банк хизматларига жалб этилди. Нақд пул тушумининг таъминловчи миқозлар сони 702 тага кўпайиб, жорий йилнинг биринчи апрель ҳолатига қўра, 17 минг 656 тадан ошди.

Халқ банки сармоялари ўз самарасини бераётди. Жорий йилнинг биринчи чорагида 2920 та кўшимча иш ўрни яратилгани бунинг тасдиғидир. Қолаверса, кечигина банк билан ҳамкорлик ўрнатиб, унинг маблағи эвазига қаддини тиклаб олган ишбилармонлар бугун нафақат турли-туман маҳсулотлар ишлаб чиқариш, уни қайта ишлаш билан шугулланмоқдалар, балки кишлоқларимизни ободонлаштириш иш-

жалб этилди. Айна чоғда янги омонат турлари қаторида мавжуд омонатларнинг шартли миқозлар учун мақбул ва манфаатли шартлар билан алмаштирилди. Миқознинг биринчи талаби билан омонатга қўйилган маблағнинг эгасига қайтарилиши эса, ўз навбатида, банкка бўлган ишончни оширяпти. Натижанда кейинги бир йил ичида банк депозитларига аҳоли бўш маблағларини жалб этиш салмоғи 172,3 фоизга ортди. Нақд пулнинг банкдан ташқари айланганини камайтириш борасида бир қатор чоралар қўрилганлиги тўғрисида эса банк кассаларига жорий йилнинг биринчи чораги давомида 452,3 миллиард сўм кирим қилинди.

Бугун коммунал тўловларни ўз вақтида амалга ошириш, бу борада аҳолига қулай шарт-шароит яратиш ҳам банк ходимлари зиммасига қатта масъулият юкламоқда. Халқ банкнинг 335 та муассасаси, 13 та махсус сайёр банки ва салкам 200 та кўча кассаси орқали жорий йилнинг биринчи чорагида аҳолидан 14,4 миллиард сўмлик коммунал тўловлар қабул қилинган, бу жараёндаги фаоллик ва тезкорлик, аҳолига қулай шарт-шароитлар яратиш орқали хизмат кўрсатиш банк нуфузининг ошиши, миқозлар сонининг кўпайишига олиб келаятигани шундан далалат беради. Шунингдек, Халқ банки-

Банкнинг хорижий молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлиги ҳам самарали йўлга қўйилмоқда. Мутахассислар малакасини ўзлаштириш бўлими, энг сўнги банк янгиликлари ва иш юритиш таъминларини ўрганиш, мақбулларини банк ва унинг филиалларида жорий этиш ютуқлар гавори бўлаётди. Германия бўйича Жамғарма кассалари халқроқ ҳамкорлик жамғармаси мутахассислари эътироф этганидек, Халқ банки тизимидаги намунавий филиаллар сони 31 тадан ошди. Ўқиш, ўрганиш, янгиликлар ва янги дастурларни иш жараёнига тезкорлик билан жорий этиш ишлари илчил давом этирилмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида 12 нафар ходим Минтақавий банк ўқув марказида, 85 нафар мутахассис Халқ банки ўқув марказида, 130 дан ортиқ ходим тизимда ўтказилган семинар ва ўқувларда малака оширди.

Буларнинг бари, шубҳасиз, банкнинг 2009 йилдаги ютуқларига пойдевор бўлади. Банк жамоасининг миқозлар ишончини қозониш, хизмат кўрсатиш сифати ва савиясини юксалтириш каби самарали ҳаракатлари эса келгусида халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилаверади.

Халқ банки матбуот хизмати.

Advertisement for AzKO gas equipment, including images of various devices and contact information.

Advertisement for Kuvasoy Chinnisi OAJ, including text about bankruptcy and contact information.

Large advertisement for Transaero airline, including images of an airplane and text about routes and services.

Advertisement for Agregat Zavodi, including text about industrial equipment and contact information.

Advertisement for Integral Asia and Dell computers, including images of computer monitors and text about technology solutions.

Advertisement for various educational and training institutions, including text about courses and contact information.

# ДАВРАЛАРНИНГ ТЎРИ СИЗНИКИ!

**Истиклол шарафати билан юртимиз раванги йўлида фидойилик қилган аждодларимиз руҳини хотирлаш, уларга эҳтиром кўрсатиш, шунингдек, бугун ёш авлоднинг ҳар томонлама етук инсон бўлиб вояга етишида ўзининг ҳаётий тажрибаси орқали ибрат бўлаётган кексаларимиз ҳурматини жойига қўйишга энг эзгу ғазилатлардан бири сифатида эътибор қаратишмоқда.**



9 май — Хотира ва қадрлаш кунига эса бу улғу амаллар янада ёрқинроқ намоён бўлади. Мана, ўн йилдири, ушбу сана мамлакатимизнинг барча жойларида алоҳида тайёргарлик билан юксак савияда ўтказиб келинмоқда. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 15 апрелда имзолаган "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони талабларидан келиб чиқиб, бу галги тадбирларга ҳам пухта ҳозирлик қўрилади. Жумладан, маҳаллий ҳокимликлар, маданият ва спорт ишлари, муҳофаза ишлари бошқармалари, Хотин-қизлар қўмитаси, Манавият тарғибот маркази, "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари вилоят бўлимлари ҳамда ҳамоат ташкилотлари бунга жалб қилинган. Мухбиримиз Хотира ва қадрлаш кунини арафасида бир гуруҳ андижонликлар билан суҳбатда бўлди.

**Таваккал Топволдиев, "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими раиси:**  
— Юртимиз ташаббуси билан мамлакатимизда кенг миқёсда нишонланадиган Хотира ва қадрлаш кунини мазмун-моҳияти жиҳатидан ўзига хос аҳамиятга эга. Мазкур сана муносабати билан ташкил этиладиган маданий-маърифий кечалар, анжуман ҳамда урачуварлардан инсон ҳаётида тинчлик ва оқилолликнинг ўрни нақадар муҳим экани ҳақида сўз юритилади. Кекса отаону онахонларимизнинг турли даврларда ўз бошларидан кечирганлари тўғрисидаги ҳикоялари ёшларга ибрат мактабини ўтади. Уларни мустақиллик берган наъматларнинг қадрига етишга, асраб-авайлашга, муносиб фарзанд бўлишга ўндайди.

Уруш ўз номи билан уруширди. У ҳеч қачон инсониятга фойда келтирмаган. Байрона-гарчиларлик, қирғинбаротлар инсон умрини ҳазонга айлантиради. Афсуски, Иккинчи жаҳон уруши оқибатлари юртимизнинг ҳам четлаб ўтмаган. Қанчадан-қанча оилалар унинг жабрини тортган. Масалан, ўша йиллари Андижондан 97,5 минг киши урушга кетган бўлса, шулардан 54,4 минг нафари қайтиб келган. Бугунги дорилармон кунларга уларнинг бир қисми етишди, ҳоло. Уларга хонадонларимизнинг файзи, кўржи дея ҳурмат билан муносабатда бўлинмоқда. Хар бирлари мустақилликдан, Президентимиздан миннатдор.

**Исмоилжон Сайфутдинов, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, Пахтаобод тумани:**  
— Ёшлигимизда кўрган қийинчиликларимиз, тортган азобларимизни унутиб бўлмайди. Лекин истиклол шарафати билан бизга шундай ғамқўрлик қўрсатиляптики, гўё ёшлар ҳурсандчиликлари энди сураётгандек. Ҳозир қаерга бормайлик, ҳурмати-

Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан Андижонда ҳам кенг қўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Муқаддас қадимлар, зинабатлохлар, қабристонлар ҳамда уларнинг атрофлари тартибга келтирилмоқда. Маданий-маърифий тадбирлар, урчушлар дастури белгиланиб, уларни юқори даражада ўтказишга ҳозирлик қўрилоқда. Бир сўз билан айтганда, барча бир бўлиб ушбу санани муносиб нишонлашга киришган.

**Одилжон ШОДНОЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

**Истиклол йиллар «аа халқимиз онгу шуури, маънавий ҳаёт тарзи ҳамда дунё-қарашда беқисб ўз аришлар рўй берганлиги барчамизга аён. Бу, ўз навбатида, санъат ва маданият соҳаларида ҳам буткул янги ҳаёт, эски замон талабларидан холи бўлган эркин ижодий муҳит юзага келишида асосий омили вазифасини бажарди. Ушбу соҳаларни ривожлантириш борасида Президентимизнинг бевосита ташаббуси ва раҳнамолиги остида қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йилнинг 17 мартда кинематография соҳасини такомиллаштириш мақсадида эълон қилинган "Ўзбекино" Миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори бу борада туб бурилиш ясаган амалий сазъ-ҳаракатлардан биридир.**

Қарорга мувофиқ, 2005 йилдан бошлаб ҳар йили 15 та тўлиқ метражли бадиий, 40 қисмдан иборат 20 та ҳужжатли ва илмий-оммабоп, 10 та мультителерадио кинофильм ҳамда 60 соатлик маънавий-маърифий, ўқув-услубий видеофильмлар ишлаб чиқариш учун давлат бюджетидан маблағ ажратилишини таъминлаш белгиланди.

— Утган фурсат ичида мазкур ҳужжат кинематография соҳасини ривожлантириш борасида муҳим аҳамият касб этди, — дейди "Ўзбекино" Миллий агентлиги бош директори вазифасини бажарувчи Аъзам Исроқов. — Унга мувофиқ, соҳада фаолият юритаётган, мулкчилик шаклидан қатъий назар, қорхона ва кино-студиялар ҳамда ижодий жамоаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик ва соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш "Ўзбекино" Миллий агентлигининг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланди. Демак, эндиликда давлат буюртмаси бўйича киноасарлар яратишга нафақат агентлик тасарруфидидаги "Ўзбекфильм", "Ўзқинохорнижа", "Қорақалпоқфильм", "5-студия", "Экофильм" сингари студиялар, балки тегишли лицензияси бор, техник жиҳозланган ва ижодий салоҳияти етарли бўлган хусусий студиялар ҳам жалб қилиниши мумкин. Бу борада "Ватан", "Инсон", "Байрам-фильм", "Шарқ-синема", "Давр-премьер" сингари студиялар билан илчил ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилганиги ўз ижобий самарасини бериб ҳам.

Дарҳақиқат, ўтган йиллар давомида кинохудождорларнинг янги авлоди майдонга чиқди. Энг муҳими, томошабин яна кинотеатрга қайтди. Экранларидан қилди киши қалбини эзгуликка ўндовчи, кино-муҳлисини жиддий мушоада қилишга қарорлиқ санъат асарлари пайдо бўлди. Бунга мисол сифатида Ўзбекистон

# ҲАЁТ НАФАСИ АКС ЭТДИ!

халқ артисти Ёдгор Саъдиев режиссёрлигидаги "Иблис девори", ёш драматург Фафур Шермухаммаднинг "Самантой" асарига суратга олинган "Ўзбекино" режиссёр Жаҳонгир Қосимовнинг "Сув ёқалаб" каби фильмларини кайд этиш жоиз. Фахрланса арзигulik яна бир жиҳат шукки, азгубек кинофильмининг орасида нафақат юртимиз, балки хорижий мамлакатларда ҳам эътироф этилаётган асарлар мавжуд. Булар "Ватан" (режиссёр З. Мусоқов), "Йул бўлсин" (Қ. Камолова), "Чашма" (Е. Тўйчиев), "Ўтов" (А. Шахобиддинов), "18-квадрат" (Ж. Қосимов), "Кичкина одамлар" (Х. Фаизиев) сингари кинофильмлардир.

Сир эмас, баъзан хусусий студияларда яратилаётган айрим киноасарлар томошабиннинг ҳақиқий эътирозига сабаб бўлаётди. Тўғри, уларда қайси бир маънода эзгу ғоялар тарқатилганлиги, бундан бундан ушбу маънода эзгу ғоялар тарқатилганлиги сезилиши мумкин. Бироқ жиддий мавзу ва унинг санъаткорона талқини, енгиллик қарашлардан холи, маънавий жиҳатдан етук асар яратиш учун бунинг ўзи қийин қилмайди...

**Истеъдод рақобатда тобланади**  
Бугун жаҳон кино санъатида шундай вазият ҳукмрон: яъни, суратга олишга пул аж-

саналади. Бу бозор иқтисодиёти, замон талабидир. Айни имкониятдан келиб чиқиб, бугун юртимизда 40 га яқин студия, ижодий жамоа кино ишлаб чиқаришга лицензия олиб, фаолият кўрсатмоқда.

мошабинга манзур бўлапти. Модомики, шундай экан, нега уларга имкон бермаслик керак? Томошабинларнинг гашига тегаётган айрим баъқана-ликлар эса актёрнинг, режиссёрнинг маҳорати, ўзига ва томошабинга бўлган ҳурмати билан боғлиқки, бу камчиликлар йиллар давомида тажриба тўплаш жараёнида изга тушиб кетади, деб ўйлаймиз.

Энг муҳими, бугунги кун тажрибаси халқимизнинг кино санъатига бўлган эҳтиби ҳам, эътиром ҳам юксак эканлиги-

ни яна бир қарра тасдиқлади. Бундай талабга нисбатан ҳозиржавоблик билан муносабатда бўлишга тўғри келди. Шу боис, фильмларга томошабин эътиборини торттиш мақсадида машҳур шахслар — сийасетчилар, спортчилар, қўшқчилар ҳам тақлиф этилади. Бу ҳол кинобизнес билан боғлиқ масала бўлганини сабаб, тақлиф қилинган юндўзлар зиммасига юклатилган вазифа нечоғул удаланиши ҳудудам эътибор берилмаётганидан жиҳат санаймиз. Ҳудудан шу сингари, бугун айрим фильмларимизда роль ижро этган қўшқчиларнинг ҳам ижодий салоҳияти, актёрлик маҳорати инобатга олинмаётганини яширишга ҳоҳ ўқ. Бироқ бу ҳамма ҳам бирдек қобилиятсиз, роль ижро этишга номуносиб, дегани эмас. Масалан,

хобиддинов, Ёлқин Тўйчиев, Фафур Шермухаммад, Акбар Бектурдиев, Мансур Абдухолиқов, Абдувоҳид Фаниев ва бошқа кўлаб истеъдод соҳибларининг номи муҳлисларга яхши таниш. Бироқ уларнинг ўзи билангина чекланиб қолди киёфа қилмайди. Чунки истеъдод рақобатда синалганидек, кино-сценарийлар қанча кўп тақдим этилса, иш сифати, яратилаётган асарлар салмоғи ҳам шунча ортади.

**Тақлид эмас, янгилик керак**  
Ютуқлар ўзимизники, албатта. Улар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Аммо кейинги пайтда суратга оли-наётган баъзи бир фильмларда очидан-очиқ хинд кинола-ри ва актёрларига тақлид аққол сезилиб қолмоқда. Ачи-нарлиси шундаки, ойлаб ре-клама қилиниб, кинотеатрда "қўл-қўлга тегай!" номийиш этилаётган баъзи фильмлар-ини кўриб бўлган, биров эсла-тимай ҳам ўхш, нега шундай? Негаки, уларда, мушоадада юртишга арзигulik муаммою ечимнинг тоши енгил. Афсу-ски, аччиқ бўлса-да, бу ҳақиқат-ни тан олиш лозим!

Томошабин — ўз номи билан томошабин. У кино мула-хассиси эмас, аммо ҳар бир мухлис, у ким бўлишидан қатъий назар, барибир, яхши кинодан савиясиз фильмни ажрата ола-ди. Шу боис-қилма таниқли чекраю қадди-қадди келишига актёрларни жалб этиш йўли би-

## «НЕФТЧИ» ВА «ПАХТАКОР» ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ...

Футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси ва кубогининг иккинчи давра бешинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди.

ОФК кубогига ("А" гуруҳи) мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган Фарғонанин "Нефтичи" жамоаси ўз майдонида Ливаннинг "Ал-Ахад" клубини қабул қилиб, 2:1 ҳисобида муҳим ғалабага эришди. Ушбу муваффақиятдан сўнг Юрий Саркисян шогирдлари плей-офф босқичига чиқиш учун яхши имкониятга эга бўлишди.

Осиё чемпионлар лигасининг "Д" гуруҳидан жой олган "Бунёдкор" сафарда Саудия Арабистонининг "Ал-Иттифок" жамоасига қарши майдонга тушиб, қутулмаганда 0:4 ҳисобида имкониятни бой берди. Албатта, муҳлислар "Бунёдкор" жамоасидан чиройли ўйин куттишган эди.

Аммо, ҳимоядаги пала-партишлик, дарво-забоннинг қўпол хатосидан "Ал-Иттифок" жамоаси аъзолари унумли фойдаланишди. Гуруҳдаги "Ал-Шабаб" (БАА) — "Сепехон" (Эрон) учрашуви 2:1 ҳисобида якунланди.

Олтинчи тур ўйинлари 19 май кунини бўлиб ўтди. Шу кунини вақиларимиз пойтахтимиздаги "Жар" стадионинда "Ал-Шабаб" жамоасини қабул қилишди. Плей-офф босқичига чиқиши учун футболчиларимиз камиди дуранг натижага эришишлари керак.

"Д" гуруҳидаги вазият:

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
"Ал-Иттифок"	5	4	0	1	15-5	12
"Бунёдкор"	5	2	1	2	5-9	7
"Ал-Шабаб"	5	2	0	3	6-11	6
"Сепехон"	5	1	1	3	6-7	4

Кечра Осиё чемпионлар лигаси ("А" гуруҳи)да иштирок этаётган яна бир жамоамиз "Пахтакор" ўз майдонинда Бирлашган Араб Амирикларининг "Ал-Ахли" жамоасини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учиратди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕВ.**

## ҲИСОБЛИ ДЎСТ АЙРИЛМАС

Косонсой тумани электр тармоқлари қорхонасида истеъмолчиларнинг фойдаланишга эришган. Бунда ўзини ўзи бошқариш идораларининг туловларини тартибга солиш юзасидан кўрсатилган фаол қўмағи асқотаётди.

Жорий йил бошига келиб электр энергиясини фойдаланаётган 26 минг хонадоннинг дебиторлик қарзлари 2 миллиард сўндан ошиб кетган эди. Ишни биргина таъминотчиларнинг ўзига ташлаб қўйиб билан вужудга келган вазиятдан чиқиш мушкул. Бунини яхши англаган туман ҳокимияти муаммо ечимига маҳалла фуқаролар йиғинларини жалб этишдек оқилона йўл тулди. Ахир таъсир кучи ботди бу тизимнинг имконияти катта-да. Оксиколлар намунали оила соҳиблари, кўчабоши ҳамда маслаҳатчиларни ёнга олиб, қардор хонадонларга бир-ма бир кириб чиқишди. Электр энергияси халқ ва давлат мулки эканини, ундан фойдаланганлик учун тўлов шартномасининг бузилиши, энг ававало, таъминотга таъсир этишини, тармоқдаги узилмишлар айнаи шун сабабдан келиб чиқаётганини соддагина қилиб тушутиришди. Бунини ақсарият хонадонларда турғи қабул қилиниб, ҳисоб-китобни жойига қўйиш ҳақидаги тушулди. Натижага эришилди: февраль ойида тўшум 233,5 миллион сўмга кўтарилди, топшириқ юз фоизга бажарилди.

Туман марказидаги Маҳдуми Аъзам маҳалла фуқаролар йиғинида 452 хонадон мавжуд. Йилнинг раиси Абдулла-хон Тўрақўжаевнинг ёрдамчи-

лари билан олиб борган тарғибот-ташвиқот натижасида кейинги ойда 4,2 миллион сўмлик ёки декабрь ойидаги нисбатан бир миллион сўмдан зиёдроқ тўшум бўлишига эришилди. "Баҳо-ристон", "Олмазор", Дадахо-нов сингари ўнлаб маҳалла-

ларда мазкур юмуш 106-110 фоизга етказиб удалланди. — Оксиколлар ва фаола-римизнинг мадади билан коммунал тўлов ишлари анча тартибга туяпти, — дейди "Маҳалла" жамғармаси туман бўлими раиси Усмонон Ва-лиев. — Бироқ беш бармоқ баробар эмас, деганларидай, умумийдан четда қолаётган-лар ҳам учраётми. Масалан, "Бомраҳа" маҳалласида фев-раль ойида электр энергия-сидан қардорликни ўч миллион сўмга қамайтириш мўлжалланган эди. Амалдаги режа 2,8 миллион сўмга ба-жарилди. Шундай аҳвол "Қўқумбой" ҚФЙдаги бир қатор маҳаллаларда ҳам ку-затилади.


Ҳуш, тўлов борасидаги шартнома ўз вақтида бажа-рилмаса, кўчликнинг ту-

1992-2008 йилларда чиқарилган Ўзбекистоннинг мавзули ва йиллик почта маркалари, блок ва кичик варақларни, классер ва буклетларга жойлаштирилган марка тўпламларини тақдим этади.

**Халқ сўзи**  
Народное слово  
МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**  
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюролма Г — 456. 46571 нусxada босилди, ҳаҳми — 2 табок. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.  
ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котабият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.  
ISSN 2010-8788

Газета тахририят компьютер марказида терияди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.  
«Тижорат материал»  
«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмасонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00 Топширилди — 22.30



Зиёдулла ЖОНИБЕВ.

## МАДАНИЯТ хабарлари

**Сурхон театри — Самарқандда**  
Маннон Уйгур номидаги Сурхондарё вилоят театри Самарқанд шаҳрида ижодий сафарда бўлди.

Ҳамид Олимжон номли мусика ва драма театрида сурхондарёлик актёрларнинг чиқишлари театр муҳлислари томонидан илқ қарши олинди. Айниқса, жамоамизнинг "Кўнги-роқлар садоси" номли асари томошабинларга маъқул бўлди. Республи-ка театралар уюшмаси лойиҳаси асосида яратил-ган бу асар тинчлик ва оқилолликни сақлаш учун фидойий инсонлар образлари яратилганлиги билан аҳамиятлидир.

## «Барқайт анъаналар»

Самарқанд шаҳридаги санъат коллежи концертлар залида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўртасидаги «Барқайт анъаналар» фольклор-фестивали талонининг вилот босқичи бўлиб ўтди.

Миллий ўрф-одатлари-миз, қадрийатларимиз, анъаналаримизни таран-нум этишга, уларни янги фазилатлар билан бойи-тишга хизмат қилувчи бу танловда минтақавий худудларда ғойиб қикан 11 та жамоа ўзроқ бел-лашди. Унда Пастдором тиббиёт коллежининг «Қалдирғоч» жамоаси би-ринчи ўринни эгаллаб, талонининг республика босқичида катта шикли хуқуқини қўлга киритди.

А. САТҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ТЕЛ. 233-70-33. САЙТ: WWW.POCHTA.UZ  
ФАКС 236-36-48. E-MAIL: OAB@POST.UZ  
• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — А. Орплов.  
Навбатчи муҳаррир — А. Болмас.  
Навбатчи — З. Худойшукров.  
Муваҳхид — Ш. Машраббеов.